# СИНОВДАН ЎТГАН ҚАРДОШЛИК

*Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланди. Ташриф арафасида «Жаҳон» Ахборот агентлигининг мухбири Н. МУҲАММАДИЕВ Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Эрдўғон Айтун билан суҳбатлашди. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.*

**— Ўзбекистон билан Туркия икки қардош мамлакат, қадим тарихга эга бўлган туркий халқларнинг икки улуси ўзбеклар ва турклар ватан қилган замин. Асрлар давомида халқларимиз бир-бирига интилиб яшаган. Энг оғир замонларда ҳам икки ўртадаги иқтисодий ва маданий алоқалар узилиб қолган эмас. Жаноб Элчи, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги ҳолатини қандай баҳолайсиз?**

— Аввало, шуни айтишим керакки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришувини турклар жуда катта қувонч билан кутиб олдилар. Чунки йиллар давомида узилиб қолган қардошлик алоқаларини қайта тиклаш имконияти пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни ватандошларим хайрихоҳлик билан кузатиб турибдилар ҳамда қўллаб-қувватламоқдалар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар миқёси йилдан-йилга кенгайиб боряпти. Бу албатта бежиз эмас. Давлатларимиз ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Туркияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ишбилармонларга кўплаб имтиёзлар берилган. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий масалалар бўйича қўшма комиссия таъсис этилган. Унинг дастлабки йиғилишини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Бундан бироз илгарироқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркиянинг катта фирмалари Ўзбекистонга келмаётганини, ҳамкорлик асосан кичик корхоналар ва тижорат-воситачилик доирасида бўлаётганини афсусланиб гапирган эди. Эндиликда бу аҳвол тубдан ўзгараётганини кўриб турибмиз. Туркиянинг энг машҳур «Коч». «Гама», «Аларко», «Айсель», «Юксель». «Яшар холдинг» сингари компания ва фирмалари Ўзбекистон бозорига дадил кириб келмоқдалар, республика саноатининг етакчи тармоқларига сармоя сарфламоқдалар. Жумладан, «Коч» компанияси Самарқандда автобуслар ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпти. «Гама» нефть маҳсулотларини қайта ишлаш, «Аларко» сигарет ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилиш бўйича шартномалар имзолаяти. «Айсель» ва «Юксель» фирмалари қурилиш соҳасида муваффақиятли иш олиб боряптилар. Ҳозирги пайтда 200 дан ортиқ ўзбек-турк қўшма корхонаси, юз фойиз турк сармоясига асосланган корхоналар ва турк фирмаларининг ваколатхоналари ишлаб турибди. Ўтган йили ўзаро савдо миқёси 200 миллион АҚШ долларидан ҳам ошиб кетди.

Албатта ҳали бу соҳада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Сулаймон Демирэл жанобларининг ташрифи ўзаро ҳамкорлик алоқаларига янги равнақ бахш этиши шубҳасиз.

**— Халқларни бир-бирига яқинлаштиришда адабиёт ва санъатнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Кейинги бир неча йил ичида ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари турк тилига таржима қилинди, санъаткорлар ва адибларнинг ўзаро сафарлари яхши анъана бўлиб қолди. Мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ва илмий соҳалардаги ҳамкорлик хусусида ҳам гапириб берсангиз.**

— Бу йил Туркияда Наврўз байрами кенг нишонланди. Тантаналарда Ўзбекистондан 30 кишилик фольклор гуруҳи иштирок этди. Ўзбек рассомларининг кўргазмаси намойиш этилди. Анқара кино фестивалида эса Ўзбекистон кино усталари «Юлдузимни менга бер, осмон» номли бадиий фильм билан қатнашишди. 19-26 апрель кунлари Туркияда ўтказилган халқаро болалар байрамида ўзбекистонлик 25 бола иштирок этди. Туркиялик таниқли санъат усталари — пианиночи Руё Танер, хонанда Жўшқун Сабоҳ ҳамда «Анадўлу» ейли чолғу квартетининг Ўзбекистондаги гастроллари ҳам катта муваффақият қозонди. Туркияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бу йил биргаликда ўтказиладиган яна кўплаб маданий тадбирлар белгиланган.

Турк ва ўзбек олимларининг биргаликдаги илмий тадқиқотлари ҳам самарали бўляпти. Ўтган йили бир гуруҳ ўзбек олимлари туркий халқлар тарихи ва адабиёти бўйича махсус дарсликлар ёзишда иштирок этдилар. Айни пайтда, ўндан ортиқ ўзбек олими Туркиянинг турли университетларида илмий тадқиқот билан машғул. Маориф соҳасини оладиган бўлсак, икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни. Туркияда таълим олаётган ўзбек талабалари ва Ўзбекистон ўқув даргоҳларидаги турк талабаларини, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ўзбек-турк лицейларини мисол қилиб келтириш мумкин.

**— Сулаймон Демирэл жанобиолийлари 1992 йил апрель ойида илк дафъа Бош вазир сифатида юртимизга келган ва бир қанча битимларнинг имзоланишида бошқош бўлган эдилар. Энди Президент сифатида ташриф буюрмоқдалар. Ана шу олий даражадаги ташриф дастури ва имзоланадиган ҳужжатлар билан қисқача таништириб ўтсангиз.**

— Президентимизнинг ташрифидан асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлашдан иборат. Сулаймон Демирэл билан бирга давлат вазири Айваз Гокдемир, маданият ишлари вазири Огоҳ Октай Гюнар, экология вазири Мустафо Тошарнинг келиши кутилмоқда. Шунингдек, парламентнинг 5 депутати келади. Делегация таркибида 50 га яқин йирик фирма ва компаниялар раҳбарларининг борлиги иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор берилаётганидан далолатдир. Ишбиламонлар орасида «Коч» гуруҳи раҳбари Инан Кирач. «Яшар холдинг» раҳбари Салжуқ Яшар, «Аларко» раҳбари Узеир Гариҳ, «Гама» раҳбари Эрол Учар, «Айсель» раҳбари Гювен Сазак, Туркиядаги энг йирик супермаркетлар соҳиби Мехмет Байандик ва бошқалар бор. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги туркиялик ишбилармонлар учун қизиқарли учрашувлар ўтказишни мўлжаллаган.

Ташриф мобайнида икки мамлакат президентларининг олий даражадаги учрашуви ва музокаралар, бир қанча ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтади. Жумладан, ўзбек-турк муносабатларини мустаҳкамлаш ҳақида Қўшма Баёнот, икки томонлама солиқ солмаслик ҳақида ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳақида битимлар имзолаш кўзда тутилган. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида халқ ноиблари билан учрашади, «Ташкўчавто» ўзбек-турк қўшма корхонаси, Республика Биржа маркази, «Ташкентленд» боғини бориб кўради, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўяди. Сафар якунида Самарқанд шаҳрининг қадимий обидалари билан танишув режалаштирилган.

## Шахсий фикр

# ВАТАН — КЎНГИЛ МУЛКИ

Инсон зоти борки, бу ёруғ дунё неъматларидан баҳраманд бўлишига умрини бахшида этган ота-онасини суйиб, ардоқлайди. Бу — табиий. Аммо кўнгли иймонга ташна бўлган инсон ҳаргиз, «ота-онамни яхши кўраман», дея ошкора жар солиб гапирмайди. Борди-ю, шундай қилса, эшитган мардум бошқача хаёлга бормоғи тайин. Чунки, инсоннинг ота-онага бўлган меҳри, аввало, зиммасидаги фарзандлик бурчи ва вазифасини қай тариқа адо этишига боғлиқ. Аммо бу бурч ва вазифа шу қадар улканки, шу чоққа қадар уларни тўла-тўкис адо этган зотни ҳеч бир кас кўрмади. Бинобарин, ота-онани рози этиш йўлидаги хизматидан кўнгли у қадар тўлмаган инсон, табиийки, уларга бўлган муҳаббатини достон қилиб ўтиришдан бироз тортинади. Бизнингча, Ватанни севганлар ҳам шундай. Ватанпарварлик ҳақида гўзал ва теран гапларни айтиш, Ватан таърифини тунни тонгга улаб шеърлар битиш осон, аммо зарур фурсатда юрт шаъни дея майдонга тушиш, ғаним ўқининг балогардони бўлиш учун катта жасорат керак. Жасорат эса иймон маҳсули. Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи вассаллам бежиз, «Ватанни севмоқ — иймондандир» демаганлар.

Биламиз, собиқ иттифоқ даврида ҳам ватанпарварлик хусусида кўп яхши гаплар гапирилар эди. У тузум таърифига битилган шеър ва қўшиқлар садоси ҳали қулоқларимиз остидан батамом кетиб улгургани йўқ. Маълум бўладики, ватанпарварликни қуруқ сўзда ифода этиш мушкул. Маълум бўладики, советлар давридаги ватанпарварлик сохта ва юзаки ташвиқотдан иборат экан. Бу ташвиқот СССРни яккаю ягона, мислию қиёси йўқ зўровон, жаҳондаги ҳеч бир куч билан ҳисоблашмайдиган, инсонлар қалбидаги Оллоҳ ишқини сўндириб ўрнига ўзи худо бўлиб олган тузум сифатида таъриф этарди. Бу давлат ер юзи қуруқлик сатҳининг бешдан бир бўлагини эгаллагани, ҳудуди икки минтақага чўзилгани, бир буржида тонг отса, бошқасида кун ботиши, бағрида беҳисоб дарё ва кўллар, денгиз ва кўрфазлар чайқалиб, бепоён ўрмону далалар ястаниб ётиши таъкидлангани таъкидланган эди. Хўш, буларнинг барчасидан оддий фуқарога бирон бир наф бормиди? Ахир, мовий денгизу кўллар, хушҳаво гўшаларнинг ҳузурини мудом ўзгалар кўрарди. Бинобарин, улар Ватанни айнан ўша табиий бойликларнинг ҳузуридан иборат деб тушунар эдилар. Аммо СССР деган улкан ҳудудда ҳузур-ҳаловат нелигини билмаган, боши қора меҳнатдан чиқмаган одамлар ҳам чор-ночор кун кўрарди. Хўш, киши умрида оёғи етмайдиган, ҳатто вақти-соати келиб боришини ҳам тасаввур қилолмайдиган ўлкаларни Ватан дейиши иймон ақидасига мос тушадими?.

Тўғри, Оллоҳнинг мулки бўлган жамийки манзилу макон — инсонга ватан. Аммо бу ҳақиқат барча иймон йўлини тутган ҳолатдагина реал имкониятга айланади.

Сир эмас, халқимизнинг анчагинаси қишлоқда яшайди. Кўпчилигимизнинг болалигимиз чанг-тўзон кўчаларда кечган. Табиийки, у ерларда дарё ҳам, денгиз ҳам, тонготар, кунботар ўлкаларга хос иқлим ҳам бўлмаган. Лекин туғилган ва voyaга етган маскан СССР дея таърифланган мавҳум ҳудуддан минг чандон қадрлироқ бўлиб келган.

Таъкидлаш жоизки, СССР давридаги ватанпарварлик тарбиясининг иккита ғоят зарарли жиҳати мавжуд эди. У тарбия, аввало, инсонни ўз юртидан, қадрдон тупроғидан совутишга, ундан бездиришга қаратилган эди. Собиқ тузум мафкураси ватанпарварликка урғу берар экан, мудом Москва, Ленинград ёхуд Россиянинг бошқа шаҳарларидаги табиий ва техникавий мўъжизаларни, рус олимлари, шоир ва ёзувчиларининг ихтирою кашфиётларини ибрат тимсоли, ватан рамзи сифатида ташвиқ этар эди. Шубҳасизки, бундай ташвиқот мамлакатнинг чекка-чекка ўлкаларида истиқомат қилган аҳоли кўнглига ғулғула солар ва «қуриб кетсин, бизлар қачон ўшандай ҳаётга эришар эканмиз, бундай яшаш жонга тегди, ўша ёқларга бош олиб кетвормасам, бу ерларда менга кун йўқ» деган каби кайфиятни уйғотар эди. Шу боис, кўпчилик яхши яшаш умидида ўзини марказий шаҳарларга урарди. Бола-чақасини кўзи қиймаган, уларга нисбатан иймони собит зотлар турмушнинг бор юкини елкага ортиб ғурбат карвони — ҳаёт ғилдирагини тортиб юраверарди. Иймон ҳаловатини денгизу дарёлар соҳилидаги роҳат-фароғатдан, улкан шаҳарлардаги қулай шароитдан афзал билган шундай зотлар туфайли халқимиз коммунистик мафкуранинг кучли ва маккор тарғиботи даврида ҳам ўзбекона юртсеварлигини ташламади, ўз уйи — ўлан тўшаги бўлиб қолаверди.

Советча ватанпарварлик тарбиясининг яна бир зарарли жиҳати шунда эдики, у барчани ёлғонга ўргатар, риёкорликни рағбатлантирар эди. Мадомики, энг олий неъмат — Ватан ҳақида ёлғон гапириш, мунофиқлик қилиш айбга йўйилмас экан, демакки, ҳар не муборак нарса хусусида ҳам алдовга бориши мумкин деган ақида шаклланган эди. Оқибатда мунофиқлик, макр-ҳийла, ёлғон сафсата авжига чиқди. Бугунги Россиядаги империяпараст кучларнинг собиқ СССРни тиклашга доир васвасаларига ҳам шу нуқтаи назардан қарамоқ лозим шекилли. Бу тоифа одамлар ростлик ва тўғрилик ҳукм юргизган муҳитда тирикчилик қилишга кўникмаган. Бинобарин, улар ёлғон ва алдовга асосланган тузумни қўмсамоқдалар.

Айрим давра ва анжуманларда мунофиқлик дардига мубтало бўлган касларнинг таваллосини эшитиб қоламиз: «Собиқ мустабид тузум даврида, — деб гап бошлайди улар, — бизга ҳам анча тазйиқ ва зуғумлар бўлган эди». «Ахир, мустабид тузум» деган гапнинг ўзи зулм билан бошқариладиган жамият дегани эмасми? Ҳамонки, бутун жамият зулм ва хўрлик остида яшаган экан, энди бу зулм ва хўрликка бир-икки киши эгалик даъвосини қилиб, қаҳрамон бўлиб олишни кўзлаётганини нима деб баҳоласак бўлади? Бу ҳам ватанпарварликми? Ундай бўлса, собиқ тузумда фақат фалончи фалончи жабр кўрди-ю қолган барча роҳат-фароғатда яшади, деб хулоса чиқармоқ лозимми? Кечаги кулфат ҳисобидан даромад қилиб яшаш уят. Бугун шунга йўл берсак, эртага яна кулфатимизни тилаб, даромад қилиш пайида бўладиганлар кўпаяди. Албатта, Ватан учун кўпдан-кўп юртдошларимиз жабр чекди. Лекин, унутмайликки, айнан шундай зотлар шарофатидан юртимиз истиқлолга эришди.

Ватанпарварлик — юртни севиш, эъзозлашгина эмас. Юртимизни хориждан келган сайёҳлар ҳам севади. Эътибор берсангиз, улар «юртингизни яхши кўриб қолдим», «бу ер менга ёқди» деган гапни кўп ишлатадилар. Лекин уларни Ўзбекистон ватанпарварлари дея олмаймиз-ку! Ватанпарварлик — бурч, масъулият. Ватанпарвар бўлиш учун чиройли гапириш, жимжимадор шеър ёзиш шарт эмас.

Ўз тинчини ўйлайдиган одам, аввало, оиласининг тинчини ўйлайди. Оиласининг тинчини кўзлаган, табиийки, Ватанининг тинчини кўзлайди. Аммо СССР давридаги ватанпарварлик тарбияси тескари асосга қурилган эди. У аввло Ватан учун, кейин ўзинг учун кураш, аввал умумманфаатни ўйла, кейин ўз манфаатингни, дея таълим берарди. Ҳолбуки, инсон ўзини англамай туриб ўзгани англолмайди, дастлаб ўз эҳтиёжини қондирмаса, ўзгалар эҳтиёжи ҳақида ўйлаши ҳам маҳол.

Бугун юртимиз озод бўлиб, истиқлолга юз тутгани ҳақида кўп гапирамиз. Аммо, тан олмоқ керак бу озодликни фақат мол-дунё йиғиш имконияти деб билган ва руҳи, онгу шуурини бойликка банди этганлар ҳам кам эмас. Уларнинг истиқлоли — доллар! Ватан кўнгил мулкига айланмас экан, руҳ ва вужуд тутқунлигидан батамом халос бўлмоқ мушкул.

Бугун инсоний жамият қуриш йўлига тушдик. Бузилган қадриятларимиз асл ҳолига қайта бошлади. Бинобарин, Ватан, ватанпарварлик туйғулари янгича аҳамият касб этди. Унутмайликки, энди ўзимиз қандай бўлсак, Ватанимиз ҳам шундай ҳолатда бўлади. Бинобарин, Ватан тақдири — бизнинг тақдиримиз.

**Муртазо ҚАРШИБОЙ.**

## Журнал тақдимоти

*Республика Олий хўжалик судида ойлик ижтимоий-ҳуқуқий, илмий-марифий «Хўжалик ва ҳуқуқ — Хозяйство и право» журналини таништириш маросими бўлди. Унда Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.*

*Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мулкнинг турли шакллари қарор топаётган ҳозирги шароитда бу борада фаолият юритиш йўл-йўриқлари ҳамда қонунчиликдаги янгилик ва илғор тажрибалардан ўз вақтида бохабар бўлишда Республика Олий хўжалик судининг янги нашри муҳим ўрин тутишини қайд этдилар. Зеро, ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган журнал саҳифаларидаги иқтисодиёт ва уни бошқариш масалаларига бағишланган, хўжалик юритиш жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал этиш юзасидан хўжалик судлари фаолияти тўғрисидаги ҳамда халқаро алоқалар мавзуидаги мақолалар мутахассислар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларида — барча мухлисларда қизиқиш уйғотиши табиий.*

*Янги журнални таништириш маросимида Республика Президентининг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст сўзга чиқди.*

*Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, назорат инспекцияси раҳбари Е. Жалолов иштирок этди.*



***Баҳор кириши билан деҳқоннинг ҳамкорлари бўлган техника ходимларининг ташвишлари кўпайиб қолади. Албатта-да, меҳнатнинг энг биринчиси ҳам, энг оғири ҳам шу техникага юклатилади. Техниканинг қанчалик соз бўлиши, эртаги хирмоннинг чекини белгилаб беради. Буни яхши англаган Ғаллаорол тумани қишлоқ хўжалик машиналари таъминоти ва таъмирлаш корхонаси созловчи муҳандислари иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан экиш агрегатларини ва мавжуд 216 та ўриш комбайнларини тўла таъмирдан чиқардилар.***

**Суратда: чапдан созловчилар Г. Жуманов, А. Аҳмедов ва моҳир пайвандчи Ҳ. Аҳмедовлар иш пайтида.**

**Шоназар ИБРАГИМОВ сурати.**

# МОЗИЙДАН КЕЛАЁТГАН АКС-САДО

**«Эй туркий халқим, тепадан осмон босмаса, пастдан ер ютмаса сенинг давлатингни ким буза олади?»**

**ЎРХУН БИТИКЛАРИДАН.**

Турон замин ўз тарихи мобайнида нималарни кечирмади. Бу юрт неча бор таланди, неча бор топталди. Юртнинг қанча мард ўғлонлари эрк дея шаҳид кетдилар. Бунга тарих гувоҳ. Улар ўз авлодларига шу муқаддас Ватанни озод ҳурлигича қолдириш учун курашдилар. Бу замин ҳамиша вақтинчалик эсанкирашлардан ҳоли бўла олиб, дунё узра ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсатиб келган.

Биз шу заминнинг бугунги авлодлари Ватан ва миллат озодлиги йўлида тўкилган шаҳидлар қони қадрига ета оламизми?! Асрлар давомида миллат руҳи эътиқод бўлиб келганлигини англай оламизми?

«Эй, туркий халқим, тепадан осмон босмаса, пастдан ер ютмаса сени давлатингни ким буза олади!?» — дея ҳайқиради бизга асрлар оша, миллат ва халқ кучига имон келтирган, ўтмишда ярим дунёни титратган туркий хоқонликнинг эрксевар ўғлони Билги Хон. Бу хитоб бир зум шуурингизни карахт қилиб қўйиши табиий. Миллатни руҳ даражасига кўтарувчи, ўтмиш ва келажак орасидаги мангу барҳаёт сўзлар.

Туркийда сўзланг, бу тилда сўзлаганларни Тангри улуғлагай дея уқтиради яна бир туркий донишманд.

Мозийдаги бу қудратли миллатга ким раҳна солди? Нега миллат туйғуси беқарорлашди. Биз нималарни бошдан кечирмадик...

Ўтмишда ёвлар бутун бир миллатни Ер юзидан йўқотмоқчи бўлсалар, қатлиом — қирғин уюштиришган. Бирор тирик жон қолмагунча қилич дамидан ўтказишган. Тарих ортда қолди, ҳаёт илгарилаб кетмоқда. Кейинчалик бу ибтидоий усул «замонавий» тус ола бошлади. Энди ёппасига қирғин эмас, «маданиятли» қирғин амалга ошириларди. Миллат ўтмишидан, эътиқодидан, дини, руҳи, маданиятидан маҳрум қилинадиган бўлди.

Айнан шундай муқаддас туйғулар илдизига болта уриларди. Инсон маънан фалаж қилинди. Бизга она сути билан кирган руҳ қувғин қилинди. Тарих йўқ. Болаларимиз ўз ўтмишимизни эмас, Рим, славянлар тарихини ўргана бошлашди. Даврлар мобайнида эътиқодимизни бирлаштириб келган уйғунлик парчаланди. Фақат бир нарсага, бизни батамом тилимиздан жудо этишга улгуришмади холос.

Бугун қанчалар тиришма кўкка — Тангрига илтижо қилаётган аждодлар руҳини хотирангда тиклай олмайсан. Аро йўлдасан. Теграңгда жасоратга тўлиқ руҳлар кезинади. Бетоқатсан, уйғунлик қидирасан. Тарих саҳифалари кўз ўнгингдан ўта бошлайди. Алп. Эр Тунга, Салжуқийлар, Қорахонийлар, Чингизийлар, Темурийлар... Шайбонийлар...

Бизни шунчалар қайтадан ясашдики ўз маданиятимизга ноёб бир экспонат сингари қарай бошладик. Фақат Оврўпо маданиятини, славян тарихини, тилини ўрганган одамгина зиёли деб атала бошланди. Ҳатто бугун ҳам бундай баъзи маданиятли зотлар миллат замирига тушуниб етмаяптилар. Ўз тарихидан ғурурланишга ҳадди сиққан инсонлар эса, аксинча маданиятсиз «миллатчи» сафига қўшилиб жамиятга кераксиз «унсурлар» сифатида «қатлиом» қилинди. Энди қирғин фақат шундай «миллатчиларга» нисбатан уюштириларди. Туркистон Чор Россияси томонидан босиб олинганда ҳам маълум маънода ўз эътиқодларини сақлаб қолган халқ (эрксизлик комига тушсада) машъум революция бошланиши биланоқ беаёв равишда қизиллаштиришга ўтилди. 20-30 йилларда Туркистон неча мард ўғлонларини шаҳидликка бергани ҳаммамизга маълум. Биз 70 йил «қизиллаштиришни» бошдан кечирдик. Бу, бир инсон умрига тенг вақт. Бу вақт мобайнида қанча «қўлбола» авлодлар етиштирилиши мумкин эди. Бой берилган маънавий узилишни, руҳий уйғунликни баркамоллаштириш энди осон кечмайди албатта.

Қадимда туркона руҳ унинг эъзози қанчалик юксак фахр билан тилга олинганини бугунги авлод онгига, шуурига сингдирмоғимиз лозим бўлади. Урхун битикларида миллатга бўлган ишонч, муҳаббат шундай ифодаланади: «Тепада мовий осмон, пастда қора ер яратилгач, инсоният болалари бунёд этилди. Улар устида эса Тангри бизнинг боболаримиз Бумин ва Истими хоқонларни ҳукмрон этиб яратди». Бу боболаримизнинг ҳаётий фаолияти бошқа мавзу, ҳозир биз учун муҳими аждодларимизда бўлган миллатга нисбатан фахр, ишонч туйғусини ўз қалбларимизда янада баркамоллаштиришдир.

Тил ҳақиқатда инсонга ато этилган олий неъматлардан бири. Шунингдек, у миллат даражасининг асосий белгиси ҳамдир. Бугун биз Ўзбекистонда яшаётиб дунёнинг турли бурчакларида яшаётган, ҳатто Олтой чўққилари ортидаги элатдошларимиз билан ўз она тилимизда сўзлаша оламиз. Мақсадимиз, дилимиз ниятимиз бир эканлигини англаймиз. Бир-биримизни қўллаб қувватлаган ҳолдагина юксаклик, уйғунлик сари боришимиз мумкин.

Ўзбекистон Президенти, биз асрлардан бери эт ва тирноқ сингари яшаб келаётганимизни ва бундан буён ҳам ўзаро ҳамкорлик воситалари билангина ривожланишига эришишимизни кўп бор таъкидлаган эди. «Туркистон умумий уйимиз» шиори остидаги қурултойни айнан, Тошкентда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Унда иқтисодий ва маданий ривожланиш масалалари ва бу йўлда эришилган ютуқлар муҳокама қилинган эди. Шу йилнинг 12 январида Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон Президентлари Кўкчатов вилоятида учрашиб ўзаро иқтисодий алоқалар, ҳамкорлик, Марказий Осиёда иқтисодий интеграция жараёнининг 2000 йилга қадар бўлган дастурини муҳокама қилиб олишганди.

Россия Думаси томонидан чиқарилган қарор МДҲ мамлакатлари ҳаётида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ўзбекистон халқи бу қарорга нисбатан дарҳол ўзининг кескин фикрини билдирди. Эндигина руҳий ва маънавий уйғунлигимизни топа бошлаганимизда, бизни яна ўша фалаж тузумга қайтаришга уринмоқчи бўлишганлари жуда кулгили. Биз ўзимизга хос туркона соддадиллик натижасида кўп йиллар «устаси фаранг сиёсатчиларнинг» қулларида қурбон бўлиб келдик. Бугун ҳам қондош биродарларимиз ҳудуди бўйлаб қулоч ёзаётган бу совуқ шарпадан имкон даражасида эҳтиёт бўлмоғимиз шарт. Чунки ҳаётимиз давомида бу тузумнинг қандай найрангларга қодир эканлигига амин бўлганмиз.

Фарғона фожеаси, Ўшдаги биродаркушликлар ҳали халқимизнинг ёдидан чиққани йўқ. Бу фожеа унинг асорати бугун ҳам дилни оғритади. Унда кимнинг қўли борлиги ва кимлар томонидан уюштирилганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу калтабин тузумдан кўп нарсаларни кутиш мумкин эди ва бугун биз ўз эркимизни, мустақиллигимизни баралла туриб ҳимоя қилар эканмиз, ёнгинамизда шундай «найрангбозлар сиёсати» яна жонланаётганини эътиборга олмоғимиз керак. Бир-биримизга ишонч, фахр туйғуси билан қараб, уйғунлик касб этишимиз зарур бўлади. Баъзи бир сиёсатдонларнинг фикрига қараганда Россиядаги мустамлакачиликка асосланган сиёсий тузум Европа демократик сиёсатига нисбатан роппа-роса 500 йил орқада қолаётган экан. Янги чиқарилган қарор эса бу муддатни яна қанча орқага суриши номаълум. Касофати эса нафақат Россияни ўзига балки бошқаларга ҳам етади.

Аммо шу ўринда турк хоқонлигининг хони Йоллиг Текиннинг сўзларини эслатиб қўймоқчимиз: «У, туркий беклар, ҳеч қачон ёғийнинг ширин сўзларига ва баландпарвоз ваъдаларига учманг» деган эди у.

Тангри ҳам ўз инъомини фақат суйган бандаларига раво кўрар экан. Ўзбекистон халқи бу инъомни ҳеч кимга бериб қўймайди! Бу йўлда уни эрк дея шаҳид кетган ўғлонлари, унинг ватанпарвар жаҳонгир ўтмиши руҳи ҳамиша қўллаб-қувватлайди!

**А. БОБОЕВ.**

**«Туркистон» мухбири.**

# 1945 1996 ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

## 9-Май — Ғалаба куни

*Миннатдорчилик*

Иккинчи Жаҳон уруши тарихга айланганига ҳам ярим асрдан ошди. Рейхстагга Ғалаба байроғининг тикилганига ҳам 51 йил тўлибди. Эллик бир йил айтишга осон. Бу салкам бир инсон умри.

## ҒАМХЎРЛИКДАН БОШИМИЗ ОСМОНДА

Урушни эслаш биз собиқ жангчилар учун ҳамиша оғир кечади. Уруш сўзини эшитишим биланоқ, қалбимда титроқ туради. Беаёв жангларда қанчалаб навқирон йигитларимиз ҳалок бўлмаган дейсиз. Қанчалаб келинлар бева қолмади. Аммо кўпгина аёллар ҳамон ўз ёрларини кутмоқда. Ҳали ҳам кўпгина инсонлар умид билан яшамоқда.

Уруш бошланганда биз тенгилар ўн саккиз баҳорни қаршилаган эдик. Биринчилар қатори қисқа тайёргарликдан сўнг, фронтга жўнадик. Мен Москва остонасидан душманни то Берлингача қувиб борган жангчиларданман. Ўша оғир дамларда Ғалаба кунини қанчалик интиқлик билан кутганимизни билсангизлар эди. Буни сўз билан таърифлаш қийин. Ғалаба сўзини эшитганимизда кўзларимиздан оққан севинч ёшларини айтишга тил ҳам лол. Ҳозир ҳам бу воқеани эсласам, юрагим хапқириб кетади. Мана, ўша кунлар ҳам хотирага айланди.

Йиллар шафқатсиз, деган гап бор халқимизда. 51 йил орасида қанча-қанча уруш қатнашчилари орамиздан кетди. Сафимиз йил сайин сийраклашиб бормоқда. Қишлоғимиздан 20 га яқин йигитлар урушга жўнаган эдик. Айримларидан қора хат келди. Баъзилари бедарак кетишди. Ҳозир қишлоғимизда уч нафар фронт қатнашчиси қолганмиз. Худога шукур, уччовимиз ҳам фарзандларимиз бағрида пиру бадавлат яшаяпмиз.

Юртбошимиз И. Каримовнинг «Ғалаба куни байрами муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонини эшитиб, бошимиз осмонга етди. Эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Президентимиз биз собиқ жангчиларни ҳурмат қилиб, шунчалик ғамхўрлик кўрсатган экан, Оллоҳ у кишидан ҳам ўз мурувватини аямайди.

**Умурзоқ ИСЛОМОВ,**
**уруш фахрийси,**
**Жиззах вилояти,**
**Ғаллаорол тумани,**
**Қоратош қишлоғи.**





*Ватанимиз сарҳадлари ишончли қўлларда*

## ЭЛ ХИЗМАТИДА

*Гуллар шаҳри Наманганнинг қоқ марказидаги Сўфизода маҳалласида истиқомат қилувчи Эргашбой ота СОДИҚОВ асримиз тенгдоши. У бу йил 96 баҳорни қаршилаяпти.*

*Эргашбой ота эсини танибдики, халқ хизматида. Энг аввал 30-йилларнинг бошларидан то урушга қадар ҳозирги Тўрақўрғон тумани қишлоқларида новвойлик қилди. Сўнг урушда фашизмга қарши жангларда иштирок этди. «Ватан уруши» ордени, 10 га яқин медаллар билан тақдирланди. Даҳшатли жанггоҳлардан омон қайтиб, яна ўзини меҳнатга урди.*

*Эргашбой ота мана салкам 100 ёшни қоралаётган бўлса-да, ҳали анча тетик. Маҳалланинг яхши-ёмон кунларида доимо халқ билан бирга. Тўй-маъракаларда кишиларнинг энг яқин маслаҳатгўйларидан бири сифатида ўз хизматини аямайди.*



**СУРАТДА: Эргашбой ота Содиқов катта оила бошлиғи.**

**Ш. ОЛИМОВ сурати.**

*Жанггоҳ хотиралари*

## УРУШДА НИМАЛАР БЎЛМАГАН ДЕЙСИЗ

- Курляндия ярим оролида...
- Қоронғи тушиши биланоқ
- Ўттиз беш йил ўтгач...

Утган йиллар ичида фронтдан омон қайтиб келган дўстларимнинг кўпчилиги уруш етказган жароҳатларга бардош беролмай биринкетин дунёдан ўтдилар. Ҳозир уларнинг сафлари анча сийраклашган. Фронтчи дўстларимга ўхшаб мени ҳам кечалари ярим тунда жанг майдонларида автоматлардан, пулемётлардан ва тўплардан узилган ўқларнинг овозлари тушдагидай эшитилиб уйқумни бузади, безовта қилади. Шундай дамларда тонг отгунча хаёлан уруш даҳшатлари кўз ўнгимда гавдаланади.

... 1945 йилнинг январь ойи эди. Бундан уч-тўрт ой илгари Мемель операциясини амалга ошириш давомида шиддатли жанглардан кейин душманнинг кўп эшелонли мудофаасини ёриб, қўшинларимиз Болтиқ денгизи соҳилларига чиқдилар. Уларнинг бир қисми Шарқий Пруссияга бостириб кирди. Иккинчи қисми эса Литва ва Латвиянинг анча ҳудудини озод қилиб бир вақтлари Ленинградни қамал этган ва очарчиликка маҳкум қилган немис-фашист қўшинларининг 32 дивизиядан иборат «Шимол» армия гуруҳини Курляндия ярим оролида қуршовга туширди.

Бу даврга келиб урушнинг асосий йўналиши Варшава — Берлин тамонида бўлганлиги туфайли Курляндиядаги жанглар душманга қуршовни ёриб ўтиб, Шарқий Пруссиядаги ўз қисмлари билан қўшилишга имкон бермаслик ва қуршов сиртмоғини яна ҳам маҳкамроқ тортиш учун олиб борилди.

Уруш ўз номи билан уруш эди. Ҳар кун кўз олдингда ўликлар сони кўпаярди. Ҳар қилган қаршилигинг эса муваффақиятли тугамасди.

Латвиянинг Вайнёде туманида уюштирилган ҳужумларнинг бирида 51-гвардиячи пиёда аскарлар дивизияси таркибидаги бизнинг 148-полкимиз дастлаб баъзи бир оз ютуқларга эришган бўлса ҳам душман мудофаасининг иккинчи чизиғида немис қўшинларининг қутириб қилган қарши атакасига учради. Биз чекинишга мажбур бўлдик. Айниқса бу жангда бизнинг пулемётчилар взводимиз катта талофат кўрди. Ҳар бир «Максим» расчётида бир иккитадан одам қолди. Взводимизда омон қолган беш жангчининг ҳар бири етмиш икки килограмм келадиган учта оғир «Максим» пулемётларини ўқ қутилари билан бирга кўтариб душманнинг узлуксиз ёғдириб турган ўқлари остида орқага чекиниши жуда қийин вазифа эди. Бундан ташқари қўлидан енгил ярадор бўлган немис солдатини асир олган ҳам эдик, Взвод командири сифатида пулемёт ўрнига немис асирини бирга олиб кетишни маъқул топдим. Менинг буйруғимга биноан жангчилар бутунлай ишдан чиққан «Максим» пулемётни ботқокликка ташладилар.

Қоронғи тушиши биланоқ иккита пулемётни орқалаб ўрмонзор орқали чекиндик ва кўп ўтмай ҳужум бошлаган мудофаа чизиғига қайтдик. Олиб келган иккита пулемётни ротамиз мудофаа қилаётган жойдаги ўқ отувчи нуқталарга жойлаштириб немис аскари билан рота командири жойлашган ертўлага йўл олдим. Командиримга бўлган воқеани очиқ-ойдин айтиб бердим. Ертўлада менинг гапларимни эшитиб чой ичиб ўтирган зобит унинг унвони рота командириникидан паст бўлишига қарамай унга сўз бермасдан «асир ўрнига пулемётни олиб келиш керак эди» деб мени сотқинликда айблади, трибунал билан пўписа қилди, зудлик билан немислар ишғол қилган хутор ёнидаги ботқоқликдан тонг отгунча пулемётни олиб келишни ва бу тўғрида унга рапорт беришимни буюрди. Полк штаби қошидаги махсус «Смерш» бўлимидан келган зобитнинг кимлигини яхши билган пулемётчилар ротасининг командири, дўстим Саша Меньшиков мени ёқлаб бир оғиз ҳам сўз айтмади.

Мудофаа чизиғига қайтгач взвод пулемётчиларини йиғиб улар билан маслаҳатлашдим. Буйруқни бажариб бўлмаслигини яхши тушунган тажрибали, жангларда тобланган, менинг ёрдамчим катта сержант Яким Петров дивизиянинг устахонасида унинг дўсти бор эканлигини ва у орқали таъмирланган «Максим» пулемётларидан бирини олиб келишни таклиф қилди.

Тонг отишига ҳали анча вақт бор эди. Рота командиридан рухсат олиб мен, Яким ва яна бир жангчи билан йўлга тушдик. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, фақат орқа томонда, мудофаанинг олдинги қаторида осмонга кетма-кет отилаётган ёритувчи ракеталарнинг ҳилпиллаб ёнишлари узоқдан кўриниб турарди. Орқа томонга қараб анча юргандан кейин тош йўлга чиқдик ва белгиланган жойга яқинлашдик.

Катта сержант мени йўл ёқасида қолдириб бирга келган жангчи билан ўрмон ичига ғойиб бўлди. Анча вақт ўтгандан кейин уларнинг «Максим» пулемётини судраб келаётганини кўрдик. Пулемётга олиб келган затворни жойлаштириб уни икки қисмга ажратдик ва елкаларимизга олиб ўз қисмимиз мудофаа қилаётган томонга жўнадик. Икки-уч постдан ўтиб тонг отишига бир соат қолганда ўз манзилимизга етиб олдик.

Эрталаб рота командирига пулемётни олиб келганлигимиз тўғрисида рапорт бердим. Бунга ишонмаган «Смерш» вакили дарҳол биринчи батальонга қўнғироқ қилиб ҳақиқатан ҳам шу ердан бизларнинг «душман орқа томонидан» қайтганимизни билгач индамай қолди. Ўз ёрдамчимнинг эпчиллиги туфайли мен ҳарбий трибуналга берилиш ва солдатлик даражасига туширилиб жарима батальонига жўнатилиш хавфидан омон қолдим.

Урушнинг охиригача Курляндияда қуршовга олинган душман қўшинларини узилкесил тор-мор қила олмадик. Фақат 1945 йилнинг 8 майида фашистлар Германияси сўзсиз таслим бўлгандан кейингина бу ердаги немис-фашист қисмлари ўз қуролларини ташлаб оммавий равишда асир туша бошладилар.

... 1980 йилнинг баҳорида Москвага илмий командировкага борган эдим. Янги Арбатдаги китоб магазини ёнида кимдир мени ўртоқ лейтенант деб чақирди. Қарасам рўпарамда катта сержант Яким жилмайиб турибди. Сочлари оқарган, анча орриқлаган. Зўрға танидим. Фронтдош дўстим билан қучоқлашиб кўришдик. У Новороссийск шаҳридан бу ерга командировкага келган экан. Яким билан Арбатдаги кичик бир кафега кирдик. Болтиқбўйида бўлган шиддатли жангларни эсладик, ҳалок бўлган фронтчи дўстларимизни хотирладик. Яким юқорида бўлиб ўтган воқеадан ўттиз беш йил ўтгач «Максим» пулемётини қандай топганини ростгўй айтиб берди. Унинг дивизия қурол таъмирловчи устахонасида ҳеч қандай таниши бўлмаган. У «Максим»ни жангларда толиққан бизнинг дивизиямизни алмаштириш учун унинг ўрнига келган ва вақтинча мудофаамизнинг иккинчи эшелонида жойлашган ҳарбий қисм пулемётчиларидан «вақтинча насияга» олиб келган экан. Фронтда нималар бўлмаган дейсиз...

**Қодир ЭРНАЗАРОВ,**
**Истеъфодаги зобит,**
**уруш фахрийси.**

## «ТИНЧ ОСМОН ОСТИДА»

*Республика рассомлар уюшмасининг кўргазма залида навбатдаги расмлар намойиши Ғалаба байрамига бағишланди. Мусаввирларимизнинг мўйқаламларига мансуб турфа хил сувратларнинг бири тарихнинг суронли уруш йилларидан забонсиз ҳикоя қилади.*

*Диққатга сазовор жойи шундаки, кўргазмадаги кўпчилик расмлар уруш қатнашчилари бўлган ватандош мусаввирларимизнинг ижодларидан.*

*«Тинч осмон остида» деб номланган мазкур кўргазманинг очилиш маросимида юртимизнинг турли бурчакларидан урушда иштирок этган рассомларимизнинг мухлислар билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Соч-соқоллари оппоқ оқарган кекса жангчиларни мухлислари гулларга кўмиб ташлашди.*

*Шу куни Ўзбекистон халқ рассоми, профессор, уруш йилларида фронт ортида фидойилик кўрсатган инсонлардан бири Малик Набиевнинг 80 йиллик юбилей кечаси ҳам бўлиб ўтди.*

**Норгул АБДУРАИМОВА.**

*Жангчи-шоир ижодидан*



**Халқимизда «табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб» деган нақл бор. Шу маънода аёвсиз уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган шоир Тўра Жуманнинг истиқлолимизни улуғлаб, тинч-тотув ҳаётимизни мадҳ этувчи ашъорлари ғоятда қимматлидир.**

## ЭЙ СЕВИКЛИ ДИЁРИМ

*Эй севикли ватаним, тарихингдир кўп йироқ.*
*Эркин бўлган кунингдан шуъла сочмиш ул чироқ.*
*Бойлигингга кўз тиккан ёвни яксон айлади,*
*Қўрқмас аёл Тўмарис, довюрак чўпон Широқ.*
*Довруғингни оламга таратди олимларинг,*
*Беруний, Ибн Сино номин билди ҳамма ёқ.*
*Босқинчига зарбалар бериш учун тарқоқ эл*
*Темур туғи остида бўлди гўё эт-тирноқ.*
*Туркистоннинг навқирон фарзанди — Ўзбекистон,*
*Оға-инилар билан доим сен аҳил-иноқ.*
*Оқ йўл сенга, диёрим, қадам босавер дадил,*
*Истиқболинг янада бўлсин шуҳратли, порлоқ.*

***

*Бизнинг томонларга бир гузар айла, эй дўстим,*
*Ҳаётимга, ҳолимга назар айла, эй дўстим.*
*Ёлғиз кезиш кексага унча тўғри келмайди,*
*Саёҳатга мен билан сафар айла, эй дўстим.*
*Эси йўқлар кин сақлар, ақли расо кечирар,*
*Тўй қилсанг ошноларга хабар айла, эй дўстим.*
*Шундайлар бор тузалмас токи гўрга киргунча,*
*Ундайлардан албатта ҳазар айла, эй дўстим.*
*Тўра дейди ким ёмон бўлса, унинг ўзига,*
*Тилни барча-барчага шакар айла, эй дўстим.*

***

*Мусулмонлик ошкора, иймон, виждон дилдадир,*
*Салом-алик ошкора, иймон, виждон дилдадир.*
*Кўз олдингда уялмай кимларни ким алдайди*
*Фирибгарлик ошкора, иймон, виждон дилдадир.*
*Ҳаракати, сўзидан тез биламиз яхшини,*
*Меҳрибонлик ошкора, иймон, виждон дилдадир.*
*Тегмасангда тегиб шарманда қилувчи бор,*
*Кўп ёмонлик ошкора, иймон, виждон дилдадир.*
*Бир жангчи юз душманни яксон қилганин кўрдик,*
*Қаҳрамонлик ошкора, иймон, виждон дилдадир.*

**Тўра ЖУМАН.**

*Орамиздаги қаҳрамонлар*

## РАЗВЕДКАЧИ

Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архиви ўқув залида уруш йилларида 9-гвардиячи ўқчи дивизияда чиқиб турган «За Родину» газетасининг 1943 йилги тахламини кўздан кечириб ўтирган эдим. Унинг 1 Май куни чиққан 50-сонида босилган «Мен йигит бўлиб қолдим» сарлавҳали мақолани учратиб қолдим.

«Мен Ўзбекистонда туғилганман. Яқинда 20 ёшга тўлдим, — деб бошланган эди гвардиячи Усмон Абдуллаев ёзган ушбу мақола. — Ота-онамни эслай олмайман. Мени давлатимиз тарбиялаб ўстирди. Савод нима эканлигини мен биринчи марта болалар уйида билдим, етти йиллик мактабни тамомладим. Сўнгра ўқитувчи бўлдим.

Уруш бошланиб қолди. Менга китобни автоматга, мактабни окопга алмаштиришга тўғри келди. Мен гвардиячи бўлинманинг разведкачиси бўлиб қолдим.

Фронтда бир неча бора разведкага бордим, қўмондонликка кўп марта қимматли маълумотлар етказиб келдим. Шунингдек қиш совуғида, баҳорнинг ёмғирли кунларида, гитлерчилар ўт очиб турганлигига қарамай, ўз отимда жанговар буйруқларни бўлинмаларга етказиб беришимга ҳам тўғри келган.

Севимли Ватанимиздан сўнгги фашист қувиб чиқарилгунга қадар қўлимдан қурол тушмайди...»

Энди Усмон Абдуллаев ким эканлигини аниқлаш лозим эди. Бунинг учун Марказий архив ҳужжатларини кўздан кечиришга тўғри келди.

Марказий архивдаги 9-гвардиячи ўқчи дивизия фондининг 2-рўйхатидаги 64-делонинг 291-варағидаги мукофотлаш варақасида таъкидланишича, Усмон Абдуллаев 1922 йилда туғилган, фронтга Тошкент шаҳрининг Сталин туманидаги Большевик кўчасидан жўнаган экан. У гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жангларида 9-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 18-гвардиячи ўқчи полки таркибидаги отлиқ разведкачилар взводида разведкачи сифатида жанг қилган.

Усмон Абдуллаев жангларда мардлик, жасурлик ва уддабуронлик кўрсатган. Калинин вилоятини душмандан тозалашда фаол иштирок этган Усмон Абдуллаев 1944 йил 18 май куни Идрица туманидаги Оисоево қишлоғидан 1,5 километр шимолий-шарқ томондаги Безимянний тепалиги учун олиб борилган жангда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарни писанд қилмай, тепаликка биринчи бўлиб бостириб борди. Шахсий ибрати билан жангчиларни қўмондонлик томонидан қўйилган жанговар вазифанинг бажарилишини таъминлашга руҳлантирди.

Абдуллаев эгалланган маррани жасорат ва матонат билан мудофаа қилиб, душманни улоқтириб ташлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Дивизия командирининг 1944 йил 19 майдаги 113/Н рақамли буйруғига мувофиқ Усмон Абдуллаев III-даражали «Шуҳрат» ордени билан мукофотланди.

Фронтдан ғалаба билан қайтган Усмон Абдуллаев ҳозирги вақтда Тошкент шаҳридаги Дўмбиробод кўчасида истиқомат қилмоқда.

**Мажид САМАДОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.**

